

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АТАҚУЛОВА МАНЗУРА НЕМАТОВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(биология ўқитиш методикаси таълим йўналиши мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)

Атақулова Манзура Нематовна

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш (биология ўқитиш методикаси таълим йўналиши мисолида) 3

Атақулова Манзура Нематовна

Совершенствование методики развития исследовательской деятельности студентов педагогических высших образовательных учреждений (на примере направления образования методика преподавания биологии) ... 21

Atakulova Manzura Nematovna

Improving methodology of development of students research skills in pedagogical higher educational institutions. (As an example of methodology of teaching biology major) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.B.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АТАҚУЛОВА МАНЗУРА НЕМАТОВНА

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИДА
ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(биология ўқитиш методикаси таълим йўналиши мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped421рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Эргашева Гулрухсор Сурхонидиновна,
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар: Шадиев Ризамат Давранович
педагогика фанлари доктори, профессор
Имомова Дилфуза Аноровна
биология фанлари номзоди, доцент;

Етакчи ташкилот Нукус давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.В.02.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» декабр соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Самарқанд давлат университети Биология факультети биноси, 2-қават мажлислар зали. Тел: (998666) 239-11-40, факс: (99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.:(99866) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» декабр кuni тарқатилди.
(2021 йил «14» декабр даги №20 рақамли реестр баённомаси).



З.Т.Ражамуродов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

М.С.Кузиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.ф.д.

Х.Қ.Хайдаров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тизимини жамият тараққиётига мувофиқ ислоҳ қилиш, илмий кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш, креатив фикрлайдиган, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этиш, илмий инфратузилмани модернизациялаш соҳасида кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. ЮНЕСКО ташкилотининг таъкидлашича, илмий тадқиқотлар воситасида билимларни ривожлантириш барча олий таълим тизимлари учун муҳим вазифа ҳисобланади¹. Таълим муҳитининг ўзгарувчан шароитлари олий таълим муассасаларида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашни жаҳон стандартларига мослаштириш, рақобатбардош илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини методик жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Дунёда олий таълим муассасаларида ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига йўналтириш, таълим йўналишлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг ҳар бир фаолият турига мустақил илмий-ижодий ёндашиши, олинган янгиликларни амалда тадбиқ эта билиш компетенцияларини ривожлантириш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, компетентли кадр сифатида илмий-методик фаолиятга тайёрлаш долзарб аҳамият касб этади. Таълим даврида талабаларни илмий ишларга жалб этиш, мустақил тадқиқотчилик фаолияти, тажриба натижаларини амалиётга тадбиқ этишга йўналтириш мустақил, салоҳиятли, иждоий тадқиқотчилик компетенциясига эга илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш учун мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.

Республикамизда илмий ижод эркинлиги, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб - қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Илм-фан ва тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, “истикболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш”² ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, педагогика олий таълим муассасаларида биологиядан олиб бориладиган методик ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасаларида ёшларни илмий-тадқиқот ишларини тизимли равишда таҳлил этишга йўналтириш, ёш олимлар ва талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини юритиши учун тегишли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ World Declaration on Higher Education for the Twenty-First Century: Vision and Action. (Article 5) [//http://www.un-documents.net/wdhe21c.htm#article-1](http://www.un-documents.net/wdhe21c.htm#article-1)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2020 йилдаги“Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-6097 Фармони

стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сон қарори, 2019-йил 30-августдаги «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4433-сон қарори, 2019-йил 29-октябрдаги “Илм-фан ва тадқиқотчилик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-576-сон, Ўзбекистон Республикасининг 2020-йил 23-сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонунлари, 2020-йил 29-октябрдаги «Илм-фанни 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6097-сон фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида И.Б.Акаров, У.Ш.Бегимкулов, З.Давранов, Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, Н.Н.Нарзиева, А.Ражабов, Б.Х.Рахимов, Х.А.Туракулов, Ш.С.Шарипов, Н.А.Шермухамедова, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов ва бошқ. изланишлар олиб борган. Биология ўқитиш методикасини ривожлантириш, бўлажак биология ўқитувчиларининг касбий ҳамда методик тайёргарлигини такомиллаштириш масалалари И.Т.Азимов, С.Дадаев, О.М.Мавлонов, А.К.Рахимов, Ж.О.Толипова, Н.Ж.Тошманов, М.С.Усмонова, Г.С.Эргашева, Л.М.Қорахонова кабилар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

МДХ мамлакатларида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари, замонавий ёндашувлар О.В.Акопян, М.М.Амренова, В.И.Андреев, М.А.Бекк, О.В.Берсенова, Е.В.Бережнова, В.В.Краевский, Е.В.Вострокнутов, В.И.Горова, Н.В.Долгова, О.В.Зданович, И.А.Зимняя, Т.П.Злыднева, Н.В.Мусинова, А.М.Новиков, А.С.Обухова, Л.А.Сайтбагина, Т.А.Яркова ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий давлатларда биология таълими жараёнида тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, методик тайёргарликни ошириш соҳасида F.S. Azevedo, B. Barron, P. Bell, V. Vescio, D. Ross, A. Adams, G. Gay, S. Goldman, J. Pellegrino, G. K. Lemons, R. J. Sternberg, Ye. Furtak томонидан тадқиқ этилган.

Талабалар тадқиқотчилик фаолиятини шакллантиришнинг турли жиҳатлари бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлса-да, замонавий ёндашувлар асосида биологик таълим жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини

такомиллаштириш муаммоси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-230-“Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш” (2015-2017 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогика олий таълим муассасаларида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг мазмунини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш;

талабалар тадқиқотчилик фаолияти компонентлари, ривожлантириш даражалари ва натижадорлигини мужассамлаштириш орқали таркибий-функционал моделини ишлаб чиқиш;

талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ҳамкорликда рефлексив бошқариш орқали ўз-ўзини ижодий ривожлантириш самарадорлигини таъминлаш технологияларини аниқлаштириш ва методик таъминотини яратиш;

тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш мезони ҳамда кўрсаткичларини ишлаб чиқиш асосида унинг натижавийлиги ва самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасаларида биологик таълим жараёнида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синовда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институтидан 200 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини биологик таълим жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий (таҳлил, контент-таҳлил, синтез, моделлаштириш, мавҳумлаштириш ва аинқлаштириш, умумлаштириш); эмпирик (тест, педагогик кузатиш, эксперт баҳолаш, меъёрий хужжатларни ўрганиш, таққослаш, тавсифлаш, таълим жараёни субъектларининг ўзини ўзи таҳлил қилиши); ижтимоий методлар (анкета, савол-жавоб, суҳбат); математик-статистик методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш мазмуни шахсий интеллектуал сифатларни

ривожлантиришга йўналтирилган ўзаро алоқадор компонентларни (ташкилий, мазмун, фаолиятли, баҳолаш-натижа) уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

тадқиқотчилик фаолияти компонентлари (когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш) ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш даражалари (чекланган, эҳтимоллик, оптимал) ва натижадорлигини (ўзини ўзи ижодий ривожлантириш суръати) мужассамлаштириш асосида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг таркибий-функционал модели яратилган;

талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикаси ўқитиш мазмунини локал, модуль, тизимли ўзгаришлар сценарийсига мувофиқ ўзини ўзи ижодий ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминот ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини ҳамкорликда рефлексив бошқариш технологиялари (муаммоли, лойиҳалаш, интеллектуал харита) асосида такомиллаштирилган;

талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш самарадорлиги ташкилий-педагогик шароитларнинг таъминланиши ҳамда оптимал даражада намоён бўладиган ижодий ривожланиш динамикаси орқали аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабалар тадқиқотчилик фаолияти самарадорлигини ривожлантиришнинг ташхислаш воситасини танлашда ОТМ талабалари фаолиятини муаммоли ва лойиҳалаш технологияси асосида муаммоли-мураккаблаштириш ва интеграциялаш орқали ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш дастури ва сценарийсини ишлаб чиқишда машғулотнинг методик хусусиятларини тавсифлаш ҳамда муаммоли ва интеллектуал топшириқлар тизими орқали самарадорликни таъминлаш асосланган;

талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган замонавий мослаштирилган ўқув-методик таъминот ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш муаммоси назарий ва услубий жиҳатдан тадқиқ этилганлиги; тадқиқот ишларини амалга оширишда муаллифнинг шахсан ўзи Навоий давлат педагогика институтида тажриба-синов ишларини амалиётда синовдан ўтказганлиги; шахсий педагогик фаолият тажрибасига асосланганлиги, амалиёт таҳлили натижаларининг ўзаро мувофиқлиги; тадқиқотнинг асосий натижалари республика ва хорижий анжуманларда апробациядан ўтказилгани; олинган маълумот, мезон ва кўрсаткичларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқлангани; натижаларга математик-статистик ишлов берилганлиги ва самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биологик таълим жараёнида талабаларнинг

тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш принциплари, ташкилий-педагогик, методик шароитлари, шакл ва методларини ўзида мужассамлаган ташкилий функционал модель ишлаб чиқилгани, методик жиҳатдан такомиллаштиришнинг ўзаро алоқадор компонентлари (ташкилий, мазмун, фаолият, баҳолаш-натижа) замонавий ёндашувларга мувофиқ ҳолда илмий асослангани; талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш натижаси қуйидаги мезонлар ва кўрсаткичлар асосида: самарадорлик – ташкилий-педагогик шароитларнинг таъминланиши; стереотипларни енгиб ўтиш, муаммоли вазиятларнинг, ўқув ва ижодий вазифаларнинг асл ечимини топиш (креатив компонент); ўзини ўзи ташкиллаштириш, ўзини ўзи бошқаришни амалга ошириш (ташкилий-фаолиятли компонент); рефлексияни амалга ошириш (рефлексив-баҳолаш компоненти) орқали такомиллаштирилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг амалий имкониятлари аниқлаштирилгани, талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришда муаммоли-мураккаблаштирилган топшириқлардан фойдаланишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилгани ва самарадорлиги аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ОТМ талабалари тадқиқотчилик фаолияти ўзаро алоқадор компонентлар (ташкилий, мазмун, фаолият, баҳолаш-натижа) йиғиндиси сифатида асосланиб, талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш мазмунини гуманистик ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва улардан «Педагогика» таълим соҳаси Давлат таълим стандартининг 5110400-“Биология ўқитиш методикаси” таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 11-декабрдаги 89-03-5229-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини инсонпарварлик ёндашуви асосида такомиллаштириш ҳамда ўқув мазмунини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти компонентлари (когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш) ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш даражалари (чекланган, йўл қўйиладиган, оптимал) ва ривожлантириш натижадорлигини (ўзини ўзи ижодий ривожлантириш суръати) аниқлаштиришга оид таклифлар “Илмий-тадқиқот фаолияти асослари” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 11-декабрдаги 89-03-5229-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг билим, натижалари ва тадқиқотчилик компетенцияларини баҳолашнинг методик жиҳатлари такомиллаштирилган;

талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш

технологиялари (муаммоли, лойиҳалаш, интеллектуал-харита) асосида ўқитиш мазмунини локал, модуль, тизимли ўзгаришлар сценарийсига мувофиқ муаммоли-мураккаблаштириш ва интеграциялаш ҳамда ўқитиш жараёнини ҳамкорликда рефлексив бошқариш орқали ўзини ўзи ижодий ривожлантириш методикасини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан А-1-230 - “Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” дарслиги ва “Экологик ўлкашунослик” ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш” (2015-2017-йй.) амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 11-декабрдаги 89-03-5229-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини электрон таълим ресурслари воситасида такомиллаштириш имкони яратилган;

талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш натижадорлиги самарадорлик мезони (ташкилий-педагогик шароитларнинг таъминланиши) ҳамда йўл қўйиладиган, оптимал даражада намоён бўладиган ижодий ривожланиш динамикаси орқали аниқлаштириш, ўқув жараёнини ташкил этишда таълим технологияларини ахборот алмашинувчи таълим порталида (biportal.uz) жойлаштириш ва электрон таълим ресурсидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари мазмунини очиб бериш асосида такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020-йил 11- декабрдаги 89-03-5229-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, педагоглар касбий компетенциялари даражасини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, шундан, 6 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Педагогика олий таълим муассасаларида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг назарий таҳлили» деб номланган биринчи бобида педагогика олий таълим муассасалари биология таълими жараёнида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг психологик-педагогик жиҳатлари, ташкилий-педагогик шароитлари, республикамиз ва хорижда талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий жиҳатлари илмий асосда ёритилган.

Биология таълими жараёнида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш муаммосининг таҳлили “тадқиқотчилик фаолияти” тушунчасига ва аввало, “фаолият” тушунчасига мувожаат этишни талаб қилади. Фаолият кишиларнинг ташқи оламга фаол муносабати шакли, инсоннинг ўзини ўзи мақсадга мувофиқ тарзда ўзгартириш усули, инсон борлигининг муҳим хусусиятларидан бири. “Фаолият” нафақат психологик, балки ижтимоий, фалсафий, иқтисодий, маданий тушунча ҳисобланади.

Олимларнинг “фаолият” категорияси ҳақидаги фикрларни умумлаштириб, унинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин: фаолият инсон шахсининг онгли томонини тавсифлайди; фаолият жараёнида фаоллик намоён бўлади, мақсадларга эришилади, эҳтиёжлари қондирилади, ҳаётий тажриба олинади, бунинг натижасида фаолиятнинг ўзи ривожланади.



1-расм. Талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ёритишга асос бўладиган ёндашувлар

“Тадқиқотчилик фаолияти” тушунчаси фаолият категорияси, педагогик-психологик таҳлил ва илмий-тадқиқот мантиқи ҳақидаги тасаввурлар асосида юзага келди. Олимлар унинг моҳиятини турлича ёритади, лекин шуни таъкидлайдики, таълим соҳасидаги тадқиқотларнинг моҳияти шахсининг

ижодий фикрлаши, интеллектуал сифатлари ривож учун зарур. Биология таълими жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ёритишда бир қатор ёндашувларга таянилди (1-расмга қаранг).

Биология таълими жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти мазмуни ўзаро боғлиқ: когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш компонентларида тизимли таълим сифатида тақдим этилади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал


Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти компонентларининг мазмуни

Компонентлар мазмуни	
Когнитивлик компонент	Талабалар назарий тайёргарлиги тадқиқотчилик фаолиятига қай даражада мослигини аниқланади. Билиш фаоллиги, тадқиқотчилик фаолияти кўникмалари тизими, ижодий фаолият натижаларининг таҳлили, умумий хулосалари, таклиф ва тавсиялари тизимли равишда тақдим этилади.
Аксиологик компонент	Талабанинг эркин, мустақил тадқиқотчилик фаолиятини умуммиллий кадрият сифатида баҳолаш ва уни ривожлантириш билан изоҳланади.
Креатив компонент	Талабалар ижодий фаолиятга йўналтирилиши, ижодкорлик хусусияти таркиб топтирилиши, билимларни янги, нотаниш вазиятларда қўллаш кўникмалари шакллантирилиши таълим жараёнида долзарб бўлган шахсий хусусият сифатида кўриб чиқилади.
Ташкилий-фаолиятли компоненти	Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнининг хусусиятларини белгилаб (мақсадли, бошқичли ва барқарор), унда талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига оидбилим, малака, усулларни эгаллашлари билан бирга ўз фаолиятини ўзи ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш ва ҳамкорликдаги муносабатлари ривожланиши таҳлил қилинади.
Рефлексив-баҳолаш компоненти	Талабалар ўз тадқиқотчилик фаолиятини ўзи баҳолайди, субъект сифатида ўз-ўзигатанқидий муносабатда бўлиши билан тавсифланади. Натижада ўз фаолиятини қайта кўриб чиқади ва бойитади.

Тадқиқотнинг методологик асосларига кўра, олий таълим муассасаси биология таълими жараёнида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти шахсий интеллектуал сифатларни таркиб топтириш, муаммоли вазифаларни ҳал этиш жараёнида ижодий ривожлантиришга йўналтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Педагогика олий таълим муассасаларида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикаси» деб номланиб, унда биологик таълим жараёнида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг функционал-таркибий тузилиши, муаммоли, лойиҳалаш технологиялари асосида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикаси ёритилган.

Тадқиқот доирасида биология таълими жараёнида ОТМ талабалари илмий-тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг таркибий-тузилиши модели ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг таркибий тузилиши модели

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модель қуйидагиларни ўз ичига олади: ташкилий қисм (ўқитиш принциплари, ўқитишнинг ташкилий-педагогик шароитлари, ташкилий-методик қисмлар, ўқитишнинг шакл ва методлари); мазмун қисми (муаммоли вазиятлар, ўқув-ижодий топшириқлар, иждодий лойиҳалар); фаолиятли қисми: ўқитувчи фаолияти (фаолият мақсади, мазмуни, цикл натижаси); ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорликда бошқариш босқичлари (кадриятли-йўналтирилган, ахборот-таҳлилий, режали таркибий-функционал модели, талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг прогностик, ташкилий-ижрочи, коммуникатив, назорат қилиш-баҳолаш, тартибга солиш-тузатиш), талабалар фаолияти (фаолият мақсади, мазмуни, оралиқ натижа); баҳолаш-натижа қисми: тадқиқотчилик фаолияти компонентлари (когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи), талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш даражалари (чекланган, йўл қўйиладиган, оптимал); ОТМ талабаларининг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш натижадорлиги (самарадорлиги ва амалий натижадорлиги). Кўрсатилган тамойиллар, ташкилий-педагогик шароитлар, шакл ва методларга мувофиқ равишда ўқитишни ташкил этиш жараёнини белгилайди.

Биз таълим жараёнини ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлигига асосланган рефлексив бошқаришни (ҳамкорликда бошқариш тури бўйича) тақдим этамиз.

Муаллифларнинг фикрига кўра, ўзаро ҳамкорлик даври қуйидагиларни таъминлаб беради: бошқарилувчи субъект вазифаларининг кенгайиши; талабанинг ижрочи ҳолатидан ўз фаолияти ҳамда ўқитиш жараёнининг ташкилотчисига айланиши; талабаларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш борасидаги мустақиллигини ошириш.

Ўқитувчи ўзининг ҳамда талабаларнинг турли хил ҳаракатлари оқибатларини башоратлайди. Сценарий – бу ўқитувчининг аниқ вазиятда ҳаракатланиши белгиланган режа.

Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, бизнингча, компонентлар ва таркибий тузилманинг сифат ва сон ўзгаришлар жараёни тушунилади. Бундай ўзгаришлар натижасида талаба таълим олиш натижаларининг олдингидан кўра юқори натижаларга эришиш кўникмасига эга бўлади.

Мустақил иждодий ривожланиш ўқитишнинг муаммоли-мураккаблаштириш шароитида таъминланади ҳамда унинг натижалари ишлаб чиқилган қуйидаги сценарийлар орқали кўриб чиқилади: маҳаллий ўзгаришлар (унумсиз, номаҳсул); модулли ўзгаришлар (репродуктив-продуктив, продуктив); тизимли ўзгаришлар (маҳсулдор-креатив, маҳсулдор-ижодий).

Биологик таълим жараёнида тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришда муаммоли маъруза, семинар, талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришга оид лойиҳалаш методлари, интеллектуал харита топшириқлар тизими орқали ўзини ўзи иждодий ривожлантириш имкониятлари орттирилади (3-расмга қаранг).



3-расм. Биологик таълим жараёнида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш босқичлари

Диссертациянинг «Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари» деб номланган учинчи бобида педагогика олий таълим муассасалари Биология ўқитиш методикаси таълим йўналишининг 1-босқичида таълим олаётган талабаларга “Умуртқасизлар зоологияси” фанини тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш асосида ўқитиш самардорлигини оширишга қаратилган педагогик тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2016-2020 йилларда Низомий номидаги ТДПУ, ҚДПИ, НавДПИда ўтказилди. Тажриба ва назорат гуруҳларига жами 200 нафар талаба жалб этилди.

“Умуртқасизлар зоологияси” фанини ўқитишда талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш асосида ташкил этилган


тажриба-синов ишлари тўртта: ташхис ва башорат қилиш, ташкилий-тайёргарлик, амалий, умумлаштирувчи босқичда амалга оширилди. Қуйида ОТМ талабаларининг тадқиқотчилик фаолияти компонентлари ривожланиш даражасини ўрганиш методлари ва методикаси тақдим этилади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал


Педагогика ОТМларида талабаларининг тадқиқотчилик фаолияти ривожланиш даражасини ўрганиш технологиялари ва услугиёти

Тадқиқотчилик фаолияти таркибий қисмлари	Таълим технолигиялари ва услугиёти
Билиш	1. Ўқув машғулоти давомида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш (муаммоли, интерактив ва интеллектуал таълим технолигиялари асосида). 2. Мустақил таълим топшириқлари воситасида ўз-ўзини ривожлантириш методикаси. 3. Тадқиқотчилик фаолиятини ўрганишга доир анкета сўровномаси.
Қадрият	1. Ўқув машғулоти давомида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш (муаммоли, интерактив ва интеллектуал таълим технолигиялари асосида). 2. Касбий қадриятлар методикаси.
Ижодкорлик	1. Ўқув машғулоти давомида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш (муаммоли, интерактив ва интеллектуал таълим технолигиялари асосида). 2. “Инсоннинг ижодий салоҳияти даражасини ўз-ўзини баҳолаш” методикаси (В.И.Андреев)
Ташкилотчилик	1. Ўқув машғулоти давомида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш (муаммоли, интерактив ва интеллектуал таълим технолигиялари асосида). 2. “Ўзини ўзи бошқариш қобилияти” методикаси (Н.М.Пейсахов)
Бошқариш	1. Ўқув машғулоти давомида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш (муаммоли, интерактив ва интеллектуал таълим технолигиялари асосида). 2. “Ёш академиклар” тўғараги орқали талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш методикаси

Тажриба-синов ишининг боши ва охирида тадқиқотчилик фаолиятининг: когнитив, ташкилий-фаолиятли, аксиологик, креативлик, рефлексив-баҳолаш компонентларини ривожлантиришга қаратилган муаммоли таълим, лойиҳалаш технолигиялари асосида муаммоли-мураккаблаштирилган топшириқларни бажариш натижалари таҳлил этилди. Тажриба якунида тажриба ва назорат гуруҳлари талабаларининг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш кўрсаткичларининг ўртача қийматларини таққослаш натижасида барча кўрсаткичлар бўйича статистик жиҳатдан ишончли фарқлар аниқланди(4, 5-расм).



4-расм. Тажриба бошида талабалар тадқиқотчилик фаолияти компонентлари ривожланганлигининг даражалари, % да




5-расм. Тажриба якунида талабалар тадқиқотчилик фаолияти компонентлари ривожланганлигининг даражалари, % да

ТСИнинг дастлабки босқичида ўрганилган гуруҳ талабаларининг аксарият қисмида рефлексив-баҳоловчи компоненти ривожланганлигининг чекланган даражаси қайд этилди (назорат гуруҳида - 56% ва тажриба гуруҳида - 57%). Тажриба якунида назорат гуруҳида талабалар сони чекланган даражада 60% дан 52%гача камайди. Эҳтимоллик даражада ижобий ўзгаришлар содир бўлди ва бир оз ўзгаришлар оптимал даражада кузатилди (7% дан 8% гача). Бироқ ишончли фарқлар аниқланмади. Тажриба гуруҳ талабалари оптимал даражада ижобий ўсиш суръатини намойиш қилдилар (8% дан 26% гача). Чекланган даражада талабалар фоизи кескин пасайди (52% дан 14% гача) (4, 5-расм). Илмий фаолият жараёнидаги рефлексив уринишлар ўзларининг имкониятларини очиш, мазмун-маъноларни қайтадан

англаб олиш ва қайта баҳолаш, талабалар фаолиятини репродуктив-продуктив ҳолатидан продуктив-креативлик ҳолатига ўзгартиришда акс этди.

Мезонлар бўйича критик қиймат эмпирик қийматдан катталиги ва ишонч оралигининг устма уст тушмаслиги тажриба синов ишларидан кейинги олинган натижаларнинг самарадор эканлигини кўрсатди ва буларнинг самарадорлик кўрсаткичи кўйидаги диаграммада келтирилди (6-расм)



6-расм. Талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш компонентлари бўйича тажриба-синов ишларидан кейинги олинган натижаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Тажриба-синов ишлари натижаларига кўра, муаммоли таълим шароитида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг ижобий динамикасига эришилди. Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини сифатли ўзгаришларда акс эттирган ҳолда чекловли, йўл қўйиладиган, оптимал даражаларда намоён бўлувчи когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш тадқиқотчилик фаолияти компонентлари орқали ривожлантириш жараёни асослаб берилди.

ХУЛОСА

1. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг биологик таълим жараёнида тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш мазмуни ўқув-ижодий тадқиқотчилик топшириқлари, муаммоли вазиятларни ҳал қилиш жараёнида шахсий интеллектual сифатларни шакллантиришга йўналтирилган ўзаро алоқадор компонентларни (ташкилий, мазмун, фаолият, баҳолаш-натижа) уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилди.

2. Тадқиқот давомида талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантиришнинг таркибий-функционал модели яратилди. Бу модель талабалар тадқиқотчилик фаолиятининг мазмунли компонентларини (когнитив, аксиологик, креатив, ташкилий-фаолиятли, рефлексив-баҳолаш) ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш даражаларини (чекланган, эҳтимоллик, оптимал) ва натижадорлигини (ўз-ўзини ижодий ривожлантириш суръати) ўзида

мужассамлаштирган бўлиб, талабалар илмий тадқиқотчилик фаолиятини самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиради. Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг таркибий-функционал модели асосида иш олиб бориш талабаларнинг билим натижаларини ва тадқиқотчилик компетенцияларини баҳолашнинг методик жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

3. Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш технологиялари (муаммоли, лойиҳалаш, интеллектуал-харита) асосида ўқитиш мазмунини мантикий сценарийларига мувофиқ муаммоли-мураккаблаштириш ва интеграциялаш ҳамда ўқитиш жараёнини ҳамкорликда рефлексив бошқариш орқали ахборот таълим муҳитида ўз-ўзини ижодий, креатив даражада ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди. Натижада талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасининг электрон таълим ресурслари воситасида такомиллаштириш имкони яратилди.

4. Муаммоли-йўналтирилган таълим шароитида муаммоли таълим ва лойиҳалаш технологияларига, муаммоли ўқитиш мазмунини ўзлаштиришда ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорликдаги ва интефаол фаолиятига асосланиб, талабалар тадқиқотчилик фаолиятини соҳага алоқадор модуллар, мантикий сценарийлар (локал, модул ва тизимлар ўзгариши) асосида амалий ва илмий-тадқиқотчилик (методологик, изланиш-лойиҳалаш, изланиш-тадқиқотчилик) семинарларини ташкил этиш орқали кўп вариантлик ва нотекис ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди ва у назарий жиҳатдан асосланди.

5. Ўқув жараёнини ташкил этиш таълим технологияларининг ахборот алмашинувчи таълим порталидан ва электрон таълим ресурсидан фойдаланиш ҳамда ўқув топшириқларини бажаришнинг (аудиторияда ва аудиториядан ташқари мустақил таълим жараёнида) дидактик имкониятлари мазмунини очиқ бериш асосида такомиллаштирилди. Ушбу материаллар талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, педагоглар касбий компетенциялари даражаларини ошишига хизмат қилди.

6. Олий таълим муассасаларидаги дидактик жараёни муаммоли-йўналтирилган таълим шароитида талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг самарадорлик кўрсаткич ва мезонлари қуйидагича акс этади:

тадқиқотчилик фаолиятини самарадорлигини, яъни, ташкилий-педагогик шароитларнинг таъминланиши;

тадқиқотчилик фаолиятини (фаолиятликни) – учта даражада намоён бўладиган ижодий ривожланиш динамикасини, яъни, чекланган, эҳтимоллик, оптимал кўрсаткичлар орқали ифодаланиши;

мураккаблаштирилган муаммоли-йўналтирилган топшириқлар, муаммоли вазиятларни ечимини топиш (когнитив компонент); таълим мақсадларини аниқлаштириб қўйиш, мазмунлисини ажратиш (аксиологик компонент); стереотипларни енгиб ўтган ҳолда, муаммоли вазиятларнинг, ўқув ва ижодий вазифаларининг асл ечимини топиш (креатив компонент);

ўз-ўзини фаолиятини ташкиллаштириш, ўзини-ўзи мустақил бошқаришни амалга ошириш (ташкилий-фаолиятли компонент);

Рефлексив жараёни амалга ошириш (рефлексив-баҳолаш компоненти) орқали тадқиқотчилик фаолиятини сифат ва самарадорлиги аниқлаштирилди. Мазкур фаолиятни амалга оширишда муаммоли-муракаблаштирилган топшириқлар асосида талабалар илмий тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришнинг замонавий методикаси ишлаб чиқилди ва самарадорлигига эришилди.

7. Талабаларнинг тадқиқотчилик фаолияти компонентлари ривожланиш даражасини аниқлаш имконини берадиган диагностика интрукментарийси шакллантирилди ва муаммоли-йўналтирилган таълим шароитида ривожлантириш самарадорлиги тажриба-синов натижасида тасдиқланди ҳамда педагогика олий таълим йўналишидаги талабаларининг тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш самарадорлиги уларнинг ижодий ривожланиш динамикасида акс этади.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда, педагогика ОТМ талабаларида тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

талабалалар мустақил ўқув ва тадқиқотчилик фаолияти кўникма ҳамда малакаларини эгаллашида ўз фаолиятини таҳлил қилиш ва лойиҳалаш, мустақил изланиш, касбий муаммоли вазиятларни ижобий ҳал этиш малакаларини шакллантириш;

мустақил ўқув ва тадқиқотчилик фаолияти кўникма ҳамда малакаларини эгаллашда ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқаришга интилишни ривожлантириш;

педагогика олий таълим муассасалари талабаларини муаммоли вазиятларни ҳал қилиш йўллари излаш жараёнида тадқиқотчилик фаолияти субъектига айлантириш;

талабалар тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантиришда ўқитувчи ва талабалар ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги рефлексив фаолиятни изчил амалга ошириш;

амалий ва ўқув малакавий амалиёт даврида ҳамда аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда талабаларнинг тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш узвийлигини таъминлаш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари мантиқийлиги, тадқиқот структураси, методларини танлашга онгли равишда илмий ёндашувни таркиб тоштириш;

методик тавсияларни талабаларнинг БМИ, курс ишларини тайёрлаш жараёнига тадбиқ қилишни таъминлаш; касбий тайёргарликнинг барча даврида мустақил тадқиқот фаолиятини ташкил қилишда талабаларни ижодий фаолиятга йўналтириш кутилган натижаларни беради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.03/30.12.2019.B.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

АТАКУЛОВА МАНЗУРА НЕМАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ РАЗВИТИЯ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ (на примере образовательного направление методика
преподавания биологии)**

13.00.02 - Теория и методика обучения и воспитания (биология)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована под номером B2020.4.PhD/Ped421. в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук имени Т.Н. Кары-Ниязи

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.samdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Эргашева Гулрухсор Сурхониidinовна
доктор педагогических наук(DSc), доцент

Официальные оппоненты: Шадиев Ризамат Давранович
доктор педагогических наук, профессор

Имомова Дилфуза Аноровна
кандидат биологических наук, доцент;

Ведущая организация: Нукусский государственный педагогический институт

Защита диссертации состоится «27» декабрь 2021 года в 10 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Конференц-зал факультета Биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40, E-mail: devonxona@samdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано под № 84). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан: «14» декабрь 2021 года.
(реестр протокола рассылки № «20» 14 декабрь 2021 года).



З.Т.Ражамурадов

Председатель научного совета по присуждению научных степеней, д.б.н., профессор

М.С.Кузиев

Секретарь научного совета по присуждению научных степеней, доктор философии(PhD) по биологическим наукам

Х.К.Хайдаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Всеобщая декларация о высшем образовании в XXI веке. В современном мире осуществляется масштабная исследовательская работа по реформированию системы образования в соответствии с развитием общества, поднятию подготовки научных кадров до уровня требований современности, привлечению креативно мыслящей и одаренной молодежи к научной деятельности, модернизации научной инфраструктуры. Как подчеркивает ЮНЕСКО, развитие знаний посредством научных исследований является важнейшей задачей всех систем высшего образования³. Изменяющиеся условия образовательной среды обуславливают необходимость адаптации студентов к мировым стандартам подготовки к научно-исследовательской деятельности в высших учебных заведениях, методическое совершенствование системы подготовки конкурентоспособных научно-педагогических кадров.

В мире актуальное значение приобретает проблемы направления молодежи к научно-исследовательской деятельности в высших образовательных учреждениях, подготовки высококвалифицированных кадров по направлениям образования, развития их компетенций в области самостоятельного научно-творческого подхода к каждому виду деятельности, внедрения полученных новшеств, обеспечения интеграции науки, образования и производства, подготовки к научно-методической деятельности в качестве компетентных кадров. Привлечение студентов к научной работе в период обучения, самостоятельная исследовательская деятельность, ориентация на практическое применение результатов опыта – это прочная основа подготовки научно-педагогических кадров, обладающих самостоятельной, компетентной, творческой исследовательской компетенцией.

В республике осуществляет масштабная работа по развитию и поддержке свободы научного творчества, научно-исследовательской деятельности. Особое внимание уделяется поднятию на качественно новый уровень работ по развитию науки и исследовательской деятельности, **“определению** перспективе приоритетных направлений непрерывного реформирования науки, подготовки самостоятельно мыслящих высококвалифицированных кадров, обладающих современными знаниями, модернизации научной инфраструктуры”⁴, эффективной организации методических и научно-методических работ осуществляемых по биологии в вузах, ориентации молодежи системному анализу научно-исследовательских работ в научных организациях и в высших образовательных учреждениях, популяризации перспективных тенденций, развитию исследовательской деятельности студентов.

³World Declaration on Higher Education for the Twenty-First Century: Vision and Action. (Article 5) //http://www.un-documents.net/wdhe21c.htm#article-1

⁴Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года» УП-6097 от 29 октября 2020 года.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении №ПП-4433 «О мерах по совершенствованию системы привлечения молодежи к науке и поддержке ее инициатив» от 30 августа 2019 года, в законах Республики Узбекистан, №ЗРУ-576 «О науке и научной деятельности» от 29 октября 2019 года, №ЗРУ-637 «Об образовании» от 23 сентября 2020 года, Указе №УП-6097 «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, а также в других нормативно-правовых актах, относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей республике проблемы развития научно-исследовательской деятельности, организации исследовательской деятельности студентов и совершенствования системы подготовки научных кадров изучали, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, У.И. Иноятлов, Н.Н.Нарзиева, А.Ражабов, Б.Х.Рахимов, Х.А.Туракулов, Ш.С.Шарипов, Н.А.Шермухамедова, Ш.Э.Курбонов, Э.А.Сейтхалилов и др. Вопросы развития методики преподавания биологии, совершенствования профессиональной и методической подготовки будущих учителей биологии нашли свое отражение в работах О.М.Мавлонова, А.К.Рахимова, Ж.О.Толиповой, Н.Ж.Ташманова, М.С.Усмоновой, Г.С.Эргашевой и др.

В странах СНГ психолого-педагогические аспекты и современные подходы к развитию исследовательской деятельности студентов исследованы такими учеными, как О.В.Акопян, М.М.Амренова, В.И.Андреев, М.А.Бекк, В.П.Беспалько, Е.В.Бережнова, В.В.Краевский, Е.В.Вострокнутов, Н.В.Долгова, О.В.Зданович, И.А. Зимняя, Т.П.Злыднева, Н.В.Мусинова, Л.А.Сайтбагина.

В зарубежных странах исследования в области внедрения передовых педагогических и информационных технологий в развитие исследовательской деятельности в процессе обучения биологии, совершенствования его на основе компетентностного подхода, повышения методической подготовки исследования проводили F.S.Azevedo, B.Barron, P.Bell, V.Vescio, D.Ross, A.Adams, S.Goldman, J.Pellegrino, G.K.Lemons, R.J.Sternberg, Ye.Furtak и др.

Несмотря на существование научных исследований, посвященных изучению различных аспектов формирования исследовательской деятельности студентов, проблема совершенствования методики развития исследовательской деятельности студентов в процессе обучения биологии не изучалась в качестве отдельного объекта исследования.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках практического проекта А-1-230 - "Подготовка учебника "Экология и охрана окружающей среды" и учебно-методического пособия "Экологическое краеведение" (2015-2017 гг.) в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

Цель исследования состоит из совершенствования методики развития исследовательской деятельности студентов в высших педагогических образовательных учреждениях.

Задачи исследования:

совершенствовать содержание развития исследовательской деятельности студентов в высших педагогических образовательных учреждениях на основе современных подходов;

разработать структурно-функциональную модель исследовательской деятельности студентов посредством обобщения ее компонентов, уровней развития и результативности;

